
НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Риштон тумани Халқ қабулхонасида фуқаролар учун навбатдаги қабул ўтказилди.

Қабул жараёнида фуқаролар томонидан тадбиркорлик учун кредит олиш, йўлни таъмирлаш, газ таъминотини яхшилаш, уй-жойни таъмирлашда ва уй-жой билан таъминлашда қўмаклашиш, ичимлик суви билан таъминлаш, бола пули, моддий ва тиббий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилишди.

Фуқароларнинг мурожаатлари тингланиб уларга ҳуқуқий тушунчалар ва амалий ёрдам берилди. Шунингдек, сайёр қабулда туман мутасадди раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

2021-09-16 14:56:53